

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 53 (1652), 2026 йил 19 март, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



САМАРҚАНД ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА НАМУНАЛИ ВИЛОЯТГА АЙЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18 март куни Самарқандда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, sanoat, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишиш ҳамда янгиларини ишга тушириш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида ушбу вилоятга ташриф буюрди.




Мамлакатимиздаги ислохотлар ҳақида гап кетганда, аввало, “Инсон қадрини устун” ва “Халқ манфаати барча нарсадан устун” деган тамойиллар, албатта, тилга олинади. Бинобарин, бу гоёлар янги Ўзбекистоннинг энг асосий, энг устувор, энг долзарб мезонидир. Кўз ўнгимизда қад ростлаётган улкан иморатлар, йирик sanoat корхоналари,

ишлаб чиқариш субъектлари, инфра-тузилма объектлари, умуман, барча-барчаси аини шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ҳа, яқин-яқингача гўё имкони йўқдек туюлган ишлар қисқа муддатларда ба-жарилмоқда. Уларнинг самарасини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, турмуш тарзимиз,

фаолиятимиз мисолида кўриб, сезиб, билиб турибмиз. Яъни аввалбошдан қўйилган вазифа жадал уддаланмоқда. Орулар ушалиб, ниятлар ижобат бўл-моқда. Ҳаёт ўзгармоқда. Бу шиддат-кор ишлар рўёби, айниқса, чекка-чекка худудлар мисолида буй кўрсаётгани эътиборга молик.



Президентимизнинг Самарқанд вилоя-тига ташрифи бунинг яққол тасдиғи бўлди. Чунки ташриф давомида вилоят тараққи-тига дахлдор қатор лойиҳалар кўздан кечи-рилиб, ишга туширилди. Улар, ҳеч шубҳа-сиз, ҳудуд аҳли ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилиш баробарида мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Бугунги янги Ўзбекистон ёшлари — ҳаққиқий бахтли авлод вакиллари. Сабаби, юртимизда уларнинг ўқиши, илм олиши, касб эгаллаши, умуман, жамиятда му-носиб ўрин топиб, Ватанимиз равнақи-га ҳисса қўшиши учун зарур шарт-шароит муҳайё этиляпти. Бу масала шахсан дав-латимиз раҳбарининг доимий эътибори ва

назоратида. Президентимиз вилоятга таш-рифи давомида илк манзил сифатида Са-марқанд шаҳридаги Ёшлар креатив парки билан танишгани фикримизнинг яққол исботидир.

➔ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда бу йилги муборак Рама-зон ойини муносиб тарзда ўтказиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар туфайли жойларда маҳаллий ҳокимликлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногирон инсонларга гамхўрлик кўрсатиш, ифтор-лик маросимлари ҳамда хайрия тадбирларини ихчам ва тартибли ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини юксалтириш, жамиятда тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат, бағрикенглик ва ҳам-жихатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Ана шундай эзгу ва савоб ишларни изчил давом эттирган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳа-йитини ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини кенг тар-ғиб этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг бир-инчи куни 20 март — жума кунига тўғри кели-ши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул

қилиниб, мамлакатимизда 2026 йил 20 март куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшма-си, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан бирга-ликда Рамазон ҳайитини худудларда халқи-мизнинг миллий анъана ва урф-одатларига ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига уйғун ҳолда кўтаринки руҳда нишонлаш, байрам кунларида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган мада-ний-маърифий ҳамда хайрия тадбирларини

ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбир-ларни амалга оширсин;

б) Туризм қўмитаси Транспорт вазири-лиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида мўъттабар зиёрат-гоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва им-кониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомп-анияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентли-ги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назор-ат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг маслаҳатчиси С. У. Умурақов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2026 йил 17 март

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларни намойиш этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 392 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 223 нафа-ри асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 82 нафари жазони ўташдан муддатидан ил-гари шартли озод қилинди, 34 нафарининг озодлиқдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Шунингдек, 53 нафар шахсларга тайин-ланган озодлиқдан маҳрум этиш жазоси-нинг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 3 нафарини чет эл фуқаролари, 26 нафарини аёл, 14 нафари-ни 60 ёшдан ошган эркаклар, 166 нафари-ни ёшлар ҳамда 24 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлар-и, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазир-лик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТНИНГ БЕБАҒО ХАЗИНАСИ



Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросими том маънода тарихий воқеа бўлди. Мазкур йирик ва ноёб мажмуа халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

➔ Давоми 3-бетда



САМАРҚАНД ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКДАН ХОЛИ, БАҐҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА НАМУНАЛИ ВИЛОЯТГА АЙЛанади

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон кўчасидаги собиқ ҳарбий госпитал ўрнида — 5,4 гектар ерда барпо этилган мазкур креатив парк ёшлар учун ҳақиқий маҳорат майдони, келажакка мустақкам пойдевор бўлувчи гоялар манзили десак, муболага бўлмайди. Унинг учун 70 миллиард сўмдан ортиқ ҳоимийлик маблағи сарфланган. Паркдаги маданий мерос объеклари рўйхатиغا олинган 5 та бино ва иншоот ёшлар ихтиёрига берилган. Йигит-қизлар улардан замонавий ва рақамли кутубхона, кўп тармоқли ўқув маркази, креатив тўғарақлар, сунъий интеллект, 3D моделлаштириш, робототехника ва киберспорт ўйинлари марказлари сифатида фойдаланади. Ахборот-ресурс маркази, спорт заллари, ер ости экомузейи ташкил этилган.

Паркда, шунингдек, болалар аттракционлари, фитнес заллари, стол тенниси зали, теннис кортлари, воркуат ва мини гольф майдонлари барпо этилган. Нурунийлар маскани, ўндан ортиқ айвонча жой олган.

Президентимиз дастлаб “Profi deutsch” немис тилини ўқитиш ва имтиҳон маркази фаолияти билан танишди. Ушбу лойиҳанинг муҳим жиҳати шундаки, Марказий Осиёда илк бор “Telc” имтиҳон маркази Самарқанд шаҳрида иш бошлапти. Унда ёшлар немис тилини ўрганиб, халқаро “Telc” сертификатини олади. Сертификат эгалари Германияда дуал касбий таълимда ўқишни давом эттиради. Шу орқали иш билан бандлиги таъминланади. Жорий йилда бундай имтиҳон марказини мамлакатимизнинг яна бешта ҳудудда очиб режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа доирасида 8-11-синф ўқувчиларига рақамли технологиялар ва хоржий тиллар чуқур ўргатилади. Ўқувни муваффақиятли тамомлаганларга махсус сертификат берилди.

Президентимиз, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга муайян банклар консултьатив марказининг имтиёзли кредит ажратиш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қилган ишлари, Ёшлар ишлари агентлигининг “Ибрат фарзандлари”, “Мутолаа”, “Қизлар академияси” лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда ёшлар билан мулоқот қилди, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Жумладан, “Zamin” халқаро жамоат фонди амалга ошираётган “Eco-schools Uzbekistan” лойиҳасида иштирок этаётган ёш эфоақлар 2026 йилдаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

— Янги Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этилиши, юқори даражада иш жойлари очилаяпти. Биз бунди сизларга — билими ёшларга ишонди қилишимиз. Бунинг учун ҳар дақиқангиз келажакнинг учун хизмат қилсин, дўстингиз китоб бўлсин. Бирор билимини чуқур эгаллаш ва тўғри йўлни топиш учун инсонга диққат, сабр-тоқат, иштиёқ керак. Мана шу иштиёқнинг сўнмасин. Сизлар бераётган тақдирлар бизнинг ислохотларимиз фойсига мос, мен ҳар қандай тақлиф ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлашга тайёрман, — деди Президентимиз.

Очиги, бу ердаги ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳа диққатга олинк. Улар билан яқиндан танишган сари одимнинг янги Ўзбекистон фарзандларига ҳаваси ортади. Бештиёр дилдаги “Мана шариот, мана имоният: ўқинг, ўрганинг, дунё кезинг, Ватаннинг муносиб фарзанди бўлинг”, деган тилақлар тилга чиқishi ҳеч гапмас.

Мана шундай ўйлар билан хоналардан бирига кирамиз. Тўрт-беш ўғил-қиз нималардир жсяяти. Улар ўзини таништириди: робототехника тўғараги ўқувчилари экан. Кетма-кет уч йил Корея Республикасида робототехника бўйича ўтказилган халқаро мусобақада, 2024 йилда эса Хитойда ташкил этилган беллашувда юқори ўринни эгаллаган.

— Ушбу паркинг очилиши биз учун айни муддао бўлди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Афруз Толипов. — Чунки у мактабимизда жуда яқин жойлашган. Бу жиҳат тўғарақда билим ва кўникмамизни янада оширишга кенг йўл очади. Халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўришимиз учун катта имконият ҳозирлайди.

Замонавий масканда вилоят шахмат федерацияси ҳам жойлашган. Бу ерда ўқув-машгулот йингилари, турли мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд. Қолаверса, ўқувчилар халқаро доирада тан олинган шахматчилар — Жаҳонгир Воҳидов ҳамда Афруза Ҳамдамовадан маҳорат сабоқларини олиши мумкин.

— Бу ерда ёш шахматчилар учун яратилган шарт-шароит аъло даражада, — дейди Жаҳонгир Воҳидов. — Ақл машқи хотиржамлик, сокинликни ёқтиради. Янги боғда айни шу жиҳат муқассам. Яъни муҳит жуда яхши. Демак, ушбу шахмат марказидан халқаро мусобақалар голиблари, гроссмейстерлар ҳали кўп етишиб чиқади. Шу йил сентябрда Самарқанд шаҳри 46-жаҳон шахмат

олимпиадасига мезбонлик қилади. Бу зимма-мизга катта масъулият юклайди.

Шундан сўнг Президентимиз Самарқанд шаҳрида жамоат транспорт фаолиятини мустаҳкамлаш учун олиб келинган замонавий электробуслар ҳамда қувватлаш станцияси фаолияти билан танишди.

Самарқанд — тарихий шаҳар. Дунёда уни бир маротаба бўлса-да кўриш, мамлакатимизнинг буюк тарихига дахлдор обидаларини томоша қилишни орзулаган одамлар кам эмас. Бу эса шаҳарнинг транспорт инфратузилмасига доимий эътибор қаратишни талаб этади. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 17 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни тақомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Мазкур қарор ижроси доирасида автобус парклари замонавий талаблар асосида модернизация қилинмоқда. Экологик тоза, хавфсиз, замонавий транспорт воситалари билан бойимқоқ. Шу мақсадда азим шахарга биринчи босқичда 49 миллион долларлик 100 та замонавий электробус олиб келинди. “Yutong” русумли мазкур электробуслар 30 ўринли, умумий сифими 75 йўловчига мўлжалланган.

Янги автобуслар учун 4 гектарга яқин майдонда автосарой ташкил этилган. Бу ердаги электробусларни қувватлаш станциясида бир вақтнинг ўзида 50 та жамоат транспортига хизмат кўрсатиш мумкин.

Электробуслар шаҳарнинг 9 йўналишида брутто-шартнома асосида ҳаракатланиб, кунига 70 мингта яқин йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса яна 250 электробус харид қилиш назарда тутилган. Бунинг учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 120 миллион доллар маблағ жалб қилиш режалаштирилган. Натигада ёнилги сарфи 32 минг литр, зарарли газлар микдори 27 тоннага камаяди.

Ҳозир автосаройда 265 ходим меҳнат қилаётган бўлса, янги электробуслар олиб келиниши ҳисобига яна 500 дан зиёд иш ўрни очилади.

Президентимиз янги автобусларни кўздан кечирди.

— Мазкур соҳанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш учун электробусларга хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган завод мутахассислари тайёрлаш бўйича Самарқанд тажрибасини яратишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Самарқанд шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар, жумладан, автобуслар ҳаракатини бошқариш жараёнини рақамлаштириш юзасидан тайёрланган тақдимот ўтказилди.

Президентимиз ташриф асносида мазкур ҳудудга ёндош бўлган Гагарин ва Рудакий кўчалари кесимида барпо этилган йўл ўтказгичи ҳам кўздан кечирди. Узунлиги 600 метрли туннель 12 миллион доллар ҳисобига барпо этилган. Бир кунда ўртгача 50 мингта транспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Кўчалар бўйича электрон бошқариладиган тунги ёритиш тизими ўрнатилган, ер ости пидеалар йўлига барпо этилган. Хитой ва Туркия қурилиш компаниялари билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳада замонавий қурилиш технологиясидан фойдаланган ҳолда бурғулаш усули орқали тиргак деворлар барпо этилган. Эътиборли жиҳати, мазкур қурилиш транспорт воситалари ҳаракати тўхтатилмаган ҳолда бажарилади. Ҳудуд кў-каламзорлаштирилиб, манзарали дарактлар кўчати ўтказилди.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан бирга уртимизга олиб келинган янги “Hyundai Rotem” юқори тезликда ҳаракатланувчи поездида Самарқанд шаҳридан Нарпай туманига келди.

Буюк саркарда Жалолоддин Мангуберди номи билан аталган ушбу поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган олтига “Hyundai Rotem” поездаридан биринчиси. Поезд етти вагондан иборат, соатига 260 километргача тезликда ҳаракатлана олади. Ойналари қорайтирилган ок рангли таркиб ўзбекистон байрогини эслатувчи мовий, яшил ва қизил рангли чизиклар ҳамда “Жалолоддин Мангуберди” ёзувига эга. Поезднинг узунлиги 175 метр, 390 га яқин йўловчи сифими эга.

Поезд Ўзбекистон иқлими учун махсус ишлаб чиқилган. Чанг, жуда юқори ва жуда паст ҳарорат ҳамда қум бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган, узоқ масофага мўлжалланган.

Яқин орада “Жалолоддин Мангуберди” поезди Тошкент — Урганч — Хива йўналиши бўйлаб қатнай бошлайди. Қатнов вақти 7 соатни ташкил этиши кутилмоқда.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари, меҳнат фахрийлари ва илгор ёшлар билан самимий суҳбатлашди. Юрти-миздаги кенг кўламли ўзгаришлар, тобора кўпайиб бораётган йирик лойиҳалар, одамлар фаровонлиги ва қўлайлиги учун амалга оширилаётган эзгу ташаббуслар ҳақида фикр алмашилди.

Нарпайга келгач, Президентимиз гидропоника усулида ташкил этилган қўлпуннайчилик иссиқхонаси фаолияти билан танишди.

Азалдан деҳқончилик маданияти ривож топган ушбу заминда ер ва сувдан унумли фойдаланиш бўйича катта тажриба тўплаган. Жумладан, Нарпай туманида ер майдони ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, илгор агротехнологияларни жорий этишга эътибор орттиб бормоқда.

Бугун гидропоника усулида махсулот етштириш амалиётига талаб катта. “Нарпай қўлпуннай” корхонаси ана шундай инновацион ёндашувни амалиётга таъбиқ этиб, юқори иқтисодий самарадорликка эришаётган илгор тадбиркорлик субъектларидан.

Лойиҳанинг умумий қиймати 650 минг доллар. Бир гектар майдондаги замонавий иссиқхонада йилга 50 тонна қўлпуннай етштириш имконияти мавжуд. Айни пайтда корхона “Нарпай қўлпуннайлари” бренди остида махсулотларини маҳаллий йирик савдо тармоқларига етказиб бермоқда. Бу эса ички бозорни сифатли ва экологик тоза махсулот билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гидропоника технологияси асосида қўлпуннай тупроксиз, махсус озуквий эритма-лар ёрдамида парваришланади. Ўсимлик илдизи ерда эмас, балки сувни яхши ўтказувчи кокос қилиги муҳитига ривожланади. Бунда қўлпуннай зарур минерал моддаларни тўғридан тўғри сув орқали қабул қилади. Бу эса ўсимликнинг энергия сарфини камайтириб, ўсish жараёнини тезлаштиради. Ҳосилдорлик анъанавий усуллarga нисбатан бир неча баравар юқори бўлади.

Шу билан бирга, гидропоника технологияси кичик майдонда катта ҳажмда махсулот етштириш имконини беради. Энг муҳими, тупроқдан фойдаланилмаслиги тараққиёт банкидан 120 миллион доллар маблағ жалб қилиш режалаштирилган. Натигада ёнилги сарфи 32 минг литр, зарарли газлар микдори 27 тоннага камаяди.

Иссиқхонада сув тежамкор технологиялар жорий этилган. Ҳусусан, ёмғир сувини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида катта сизимли сув ҳавзаси барпо қилинган. Шунингдек, автоматлаштирилган гидропоника ускуналари, қуёш панеллари ва энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилгани ишлаб чиқариш харажатини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини йил давомида барқарор етказиб беришда бундай лойиҳаларнинг аҳамияти катта экани таъкидланди. Тадбиркорнинг истиқболдаги ривожланиш режалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Ҳусусан, келгусида лойиҳани кенгайтириш, қўшимча 60 гектарда янги иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилган. Натигада ишлаб чиқариш ҳажми йилга 300 минг тоннагача ошади. Янги иш ўринлари очилади.

Давлатимиз раҳбари бундай усулдаги иссиқхоналарни аҳоли хонадонларида ҳам кўпайтириш орқали барқарор даромад манбаларини яратиш муҳимлигини таъкидлади.

— Бугун барча соҳада бўлгани каби мазкур йўналишда ҳам сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш зарур. Агар ишлар тўғри ташкил этилиб, одамларни бу иш билан шугулланишга ўргатсак ва буни Нарпай тажрибаси сифатида кенг оммалаштирсак, халқимиз гидропоника усулида йил давомида ҳосил етштириш бозорини ҳам тўлдирди, яхшигина даромад ҳам қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги глобал рақобат ва чекланган ресурслар шароитида барча соҳа ва тармоқларда қўшилган қиймат занжирини яратиш иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, айниқса, асосан хомашё етштиришга ихтисослашган мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига катта самара берапти.

Яқингача минг машаққат эвазига етштирилган пахтамиз четта фақат хомашё сифатида экспорт қилинади. Кейинги йилларда соҳага бозор механизмлари жорий этилди, мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Натигада Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда хомашё етказиб берувчи эмас, балки тўлиқ қайта ишлаш занжирига эга бўлган, тайёр махсулот экспорт қилувчи давлат сифатида танила бошлайди.

Нарпай туманида жойлашган “Мароқанд сифат” кластери фаолияти ҳам фикримизни тасдиқлайди. Зеро, кластерда пахта етштиришдан уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр махсулот ишлаб чиқаришга бўлган тўлиқ қиймат занжирини йўлга қўйилган. Ҳусусан, пахта ва уруғлик етштириш, ёғ-мўй ишлаб чиқариш, тола ва ип-калава тайёрлаш, шунингдек, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришни қамраб олган 25 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бундай ёндашув қишлоқ хўжалиги ва саноатни узвий боғлаш орқали юқори қўшимча қиймат яратиш имконини бермоқда.

Президентимиз кластер тизимида чиқиндисиз технология тамойили асосида ишлаётган корхона фаолияти билан танишди.

Корхона ип-калава ишлаб чиқариш бўйича йилга 5500 тонна, тайёр трикотаж махсулотлари бўйича эса 1 миллион дона қувватга эга. Ўз навбатида, бундай қувват 10 миллион долларлик махсулот экспорт қилиш имконини беради.

Гап бу ерда фақат ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ эмас. Бинобарин, унинг янги иш ўринлари очиб чиқибга ижтимоий барқарорлики таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш орқали мамлакат иқтисодийетини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси катта аҳамиятга эга. Ҳусусан, айни пайтда бу ерда мингта доимий иш ўрни очилган, мавсумий ишлар даврида яна 3000 киши иш билан таъминланмоқда.

— Замонавий корхонада ишлаш мен каби қўллаб нарпайлик аёлларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Маҳбуба Бозорова. — Олдинлари доимий иш дейилса, барқарор даромадди, яъни ойлик маошини тушунардим, шундай пул топётганларга хавас қилардим. Энди ўз танамда гиш қиялганм, доимий бандликнинг ҳаётимизга барқарор даромаддан ҳам муҳим фойдалари бор экан. Масалан, ишли аёл, аввало, фарзандларини боғчага беради, ҳамкасблари билан мулоқот қилиш, иш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳисобига дунёқарши ўзгаради, турмушини режалаштиришни ўрганади. Оддий туюлиши мумкин, лекин мана шу жиҳатлар ҳар бир оиланинг бахти тўқис бўлиши, хондонда хотиржамлик, фаровонлик, дилда шукрона бўлишини таъминлайди.

“Мароқанд сифат” кластерининг мато қолдиқларини қайта ишлаш орқали ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонаси илгор ва самарали ташаббуслардан биридир.

Лойиҳа таркибида биологатория ҳамда тикув цехлари фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, тикув цехларида фойдаланиб бўлинган мато қолдиқлари ташлаб юборилмайди. Улар замонавий, юқори тезликда ишловчи ускуналар орқали қайта ишланиб, яна ип-калава ҳолатига келтирилади. Ушбу йўналишда йиллик тола ишлаб чиқариш қуввати 5000 тоннани ташкил этади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик барқарорлики таъминлаш нуқтани назардан жуда муҳим.

Умумий қиймати 7 миллион долларлик мазкур лойиҳа 3,3 гектар майдонда жойлашган. Корхонада 500 кишининг доимий бандлиги таъминланган. Ишлаб чиқаришда қўлланаётган энергия тежамкор технологиялар иқтисодий самарадорликни оширмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди ва тикув цехида меҳнат қилаётган ходимлар билан самимий суҳбатлашди.

— Сизлар билан учрашганимдан мамнунман. Бу ерда яратилган шароитлар, ташкил этилган иш ўринлари аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилапти. Амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа — юртимиздаги улкан ўзгаришларнинг бир қисми. Албатта, иш ўринлари қайта ташкил этилиши, шунинг учун биз янада фаол ишлашга, ҳар бир ҳудудда янги имониятлар яратишга ҳаракат қилишимиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Президентимиз ҳузурда Нарпай туманида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва насос станцияларини давлат-ҳусусий шериклик асосида бошқарувга бериш бўйича қилинган ишлар ва истиқболдаги режалар тақдироти ўтказилди.

Бугун сув танқислиги глобал муаммолардан бирига айланди. Бу, ўз навбатида, ҳар томчи сувдан мақсадли ва самарали фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Айниқса, табиий географик жойлашувига кўра суғориш тизими нисбатан мураккаб ва барқарор сув таъминоти оғир бўлган Нарпай тумани учун бу жиҳат алоҳида аҳамиятга эга.

Тумандаги 8 та насос станцияси ДХШ асосида ҳусусий секторга берилган. Ўтган даврда 21 та насос агрегати 12,3 миллиард сўм инвестиция киритиши ҳисобига янгилангани натижада йиллик энергия истеъмолини 68,1 миллион киловатт-соатдан 34,1 миллион киловатт-соатгача камайтиришга эришилди.

Умуман, вилоят сув хўжалигига янги илмий ёндашувлар жорий қилинмоқда. Бу борада илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимига илмий маслаҳатчи бириктирилмоқда. Шунингдек, соҳада дуал таълим йўлга қўйилиб, 72 талабанинг сув хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидротехника ва гидроэнергетика, кадастр ва экология йўналишларида 6 ойлик узлуксиз амалиёти йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни изчил ва тизимли давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз шу ерда вилоятда йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлашга бағишланган маросимда иштирок қилди. Ушбу туманлар ва Каттакўрғон

Тадбир доирасида вилоятда озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва фармацевтика, қурилиш материаллари, металл ва мебель саноати соҳаларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ҳудуднинг замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, илгор техника ва технологиялари, саноат махсулотлари билан танишди.

Маросимда шаҳар ва туманларда қарийб 7 миллиард долларлик инвестиция ҳисобига 106 та янги лойиҳа ишга туширилди ҳамда қурилишга старт берилди.

Президентимиз лойиҳалар ижрочилари, маҳаллий ва хоржий компаниялар вакиллари билан суҳбатлашди, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини тинглади. Бу каби лойиҳалар Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш ва ҳудудда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Самарқанд вилоятдаги йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва янгиланишни қурилишини бошлаб берди. Жумладан, Австрия, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия, Ҳиндистон ва Россия билан ҳамкорликда 2 миллиард 400 миллион долларлик 53 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, Нидерландия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия, Россия ва Эрон билан ҳамкорликда 4 миллиард 600 миллион долларлик 53 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Тог-кон саноати ва геология, қурилиш материаллари, автосаноат, кимё саноати, электротехника, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳалари каби кўплаб йўналишларни қамраб олган ушбу лойиҳалар ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни очилди, 13 триллион сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилади. 700 миллион долларлик экспорт имконияти пайдо бўлади. Бу эса вилоят саноатини диверсификация қилиш, замонавий ишлаб чиқариш занжирлари ва экспорт географиясини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг Нарпай туманида Президентимиз раислигида Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йнгилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, йнгилганларни кириб келаётган муборак Рамазон ҳайити ва кулгуг айём — Наврўзи олам билан чин қаблдан табриқлади. Самарқандга охириги ташрифдан кейин ўтган тўрт ой давомида мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди. Ҳусусан, шу ҳафта-нинг ўзида Олмалиқ шаҳрида 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди, пойтахтимизда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг маънавий хазинаси бўлган Ислон цивилизацияси маркази эътиборга кайди этилди.

Йнгилишда Самарқанд ишсизлик, камбағаллик, инвестиция ва экспорт каби барча йўналишларда намунавий вилоят бўлиши шартлиги қайди этилди. Бунинг учун вилоят маҳаллалари инфратузилмасини яхшилашга 100 миллион доллар, Уругут туманига қўшимча 50 миллион доллар ажратилди. Умуман, вилоятга барча манбалар ҳисобидан 11 триллион сўм, тадбиркорларга кредит ресурсларини учун яна 18 триллион сўм йўналтирилмоқда. Ушбу маблағлар, энг аввало, туманларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, ишловда вилоят иқтисодийетини юксалтиришга хизмат қилиши шартлиги қайди этилди.

Туманларнинг саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари, ер ости ва ер усти захиралари, меҳнат ресурслари, аҳолининг бизнес ва касбий кўникмаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, маҳаллалар имониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир туманининг ички ривожланиш моделини яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур таҳлиллар асосида туман ҳокимлари, “маҳалла еттилиги” ва маҳалла банкларини ресурсларини энг кўп иш ўрни очадиган ва бюджет тушумларини оширадиган лойиҳаларга йўналтириши лозим. Ушбу тизим 1 майга қадар Нарпай ва Термиз туманларида жорий қилиниб, бутун республика учун намуна сифатида таъбиқ этилиши белгиланди.

Йнгилишда Самарқанд вилояти раҳбарияти олдида камиди 9 фои иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий махсулот ҳажмини 144 триллион сўмдан ошириш, 3 миллиард доллар хоржий инвестиция жалб этиш ва экспортни 1,2 миллиард долларга етказиш вазифаси тургани қайди этилди.

Шунингдек, 100 минг кишини доимий иш билан таъминлаш, 31 минг оилани камбағалликдан чиқариш ва вилоятни ишсизлик

- ; i 8 : 5 a 5 n

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Бошланиши 1-бетда

АҚЛ ВА ИДРОККА ТАСАННОЛАР АЙТИЛМОҚДА


Ислom тарихи ва меросини турли замонвий воситалар орқали ёшлар тафаккурига етказиб бера оладиган бундай илмий-маърифий марказ бугунги дунёда жуда ҳам зарур. Шу билан бирга, у жаҳон ҳамжамиятига халқимизнинг маърифий қарашларини кўрсатиб беради, бой илмий-маданий меросимизни тарғиб этади.

Авваллари юртдошларимиз дунёнинг турли жойларида саёҳатга ёки хизмат сафарига борганда, чет элликлар уларнинг қаердан келганини сўраганини ва юртимиз номи билмаслигини наҳоят билан айтарди. Бу маҳобатли мажмуа ва ундаги мерос намуналари эса хорижлик мутахассислар фикрини бутунлай ўзгартириб юборарди. Манами деган давлат раҳбарлари ҳам бундай ақл ва идрокка тасаннолар айтмоқда. Араб мамлакатларидан келган турли соҳа вакиллари: **“Биз ҳам шундай бинони барпо қилишимиз мумкин эди, аммо кўрсатишга арзигулик нималар билан тўлдирардик? Бизда бунақа манба йўқ. Ўзбекистон илм-фан доирасида, давлатчилик миқёсида мамлакат ва халқ нуфузини, тафаккур кўламини, ютуқларини аниқ далиллар билан намоян қиладиган, манбаларга бой мамлакат экан”,** деб тан берапти.

Бой меросимизни ўрганиш ҳамда англаш масканига ташриф буюрган ҳар қандай киши тарихимиз кўламини, унинг моҳиятини онгида, вужудида ҳис этади.

Шуни яна такрор ва такрор айтгим келадикки, бу марказ ёшлар учун жуда катта тарихий манба бўлди. Шу боис, улар фақатгина ана шундай буюк аждоҳларнинг ворисларимиз дея фахрлиб қолмай, уларга муносиб бўлишга интилишини, илм ўрганишдан ҳеч қачон тўхтамаслигини истардим. Бу эса уларнинг Учинчи Ренессансини яратишда муносиб ҳисса қўлишига хизмат қилиши шубҳасиз. Ахир юрт фаровонлиги ҳам, юксалиши ҳам, аввало, илмга ва таълим-тарбияга боғлиқ эканини яхши биламиз.

Ушбу марказ дунё ҳамжамиятига бой меросимизни намоян этадиган, уни кенг тарғиб қиладиган ва миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлайдиган ишончли кўприк бўлиб қолади.



Рустам КАЛОНОВ,
Тошкент шаҳри “Нуроний”
жамғармаси раиси, сенатор

Президентимиз марказнинг асосий вазифаси ислomнинг ҳақиқий гуманистик ва маърифий моҳиятини кўрсатишдан иборат эканини таъкидлаган эди. Ушбу марказга тамал тоши қўйилишидан тортиб, очилиш маросимига ҳам бўлган жараёнларда иштирок этганимдан фахрландим, тўқинландим. Кечги очилиш маросимидаги танишув жараёнида гувоҳи бўлганимиз — ранг-баранг экспозициялар, кутубхонада тўпланган нодир кўлэмалар, электрон адабиётлар ва халқимизнинг бой тарихий мероси намуналари бу фикрни яққол намоян этди.

“Ҳар қандай миллатни англаш, билиш учун унинг тарихи ва маданияти, инсоният тамаддунига қўшган ҳиссаси билан танишиш керак”, деган ибратли гапнинг моҳиятини бу ерда янада чуқурроқ ҳис этдик.

БУЮК МЕРОСНИ ҲАЙРАТ БИЛАН КУЗАТДИМ

Ушбу музейни сўнгги йилларда ислom оламида барпо этилган энг йирик маданий-маърифий марказларидан бири деб бемалол айтиш мумкин. У нафақат Ўзбекистон, бутун ислom дунёси учун муҳим маскан бўлиб хизмат қилади.

Бу ерда ислomдан аввалги даврдан тортиб, бугунги кунгача Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ислom цивилизацияси тарихи жуда таъсирли тарзда намоян этилган. Марказда тарихий мерос нафақат аънавий усуллар орқали, шунингдек, сўнгий интеллект каби замонвий технологиялар ёрдамида ҳам ёритилган. Шу боис, бу масканга кирган инсон томоша завқи билан бирга ҳақиқий маънода катта билимга ҳам эга бўлади.

Ушбу марказни барпо этишда меҳнат қилган барча инсонларга чуқур миннатдорлик билдираман. Тошкентда яшовчи инсон, шу билан бирга, мусулмон сифатида айтишим мумкинки, бу ерга келганлар тарихимизни ўрганиб, ундан завқ олади ва ислom цивилизациясининг буюк меросини ҳайрат билан кузатади.

Мен Тошкентдаги бундай ифтор тадбирида иккинчи бор қатнашим. Унда кўплаб дипломатик корпус вакиллари, элчилар ва дипломатлар ҳам иштирок этди. Барчамизни бир жойга жамлагани учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Жаноб Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Уфук УЛУТАШ,
Туркиянинг Ўзбекистондаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси

Рамозоннинг сўнгги кунлари, Наврўз байрами ҳамда Рамозон ҳайити арафасида ўтказилаётган бундай учрашувлар қардошларни бирлаштирадиган жуда гўзал аниъандир.

ТАМАДДУННИНГ МУҲТАШАМ РАМЗИ

ва маънавий мероси бугунги кунда ҳам ёш авлод учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Улар яратган илм мактаби ва мадрасалари Ўзбекистоннинг ислom цивилизациясида тутган ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Ислom цивилизацияси маркази нафақат илмий тадқиқотлар, балки маданий мулоқот, маънавий тарбия ва халқаро ҳамкорлик учун ҳам катта майдондир. Бу келажак авлод учун билим ва маърифат манбаи, юртимиз маданияти ва цивилизациясининг қафолатли ривожини учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

Ўзбекистон бой тарих ва маданият цивилизациясининг замонвий марказидан бирига айланган давлат. Уч минг йиллик шоғли тарихимиз ва бой маданиятимиз, янги Ўзбекистоннинг улкан имкониятларининг яққол ифодаси бўлган, миллий руҳ билан йўғрилган ушбу марказда бир вақтнинг ўзида юртимизнинг қадимий тарихи дурдоналарини кўриш, ўзбек халқининг интеллектуал ва маданий салоҳиятига аниқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Марказ қарийб 10 гектар майдонда жойлашган бўлиб, бу ерда “Ўзбекистон заминидан ислomгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозиция заллари ташкил этилган.

Президентимиз марказ маънавий-маърифий ишлар учун фундаментал база бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Энг муҳими, бу марказ ёшларимиз учун мустаҳкам маънавий таянч бўлиши, янги Хоразмийлар, Беруний ва Улугбеклар, Фарғоний ва Ибн Сино, Бухорий ва Термизийларнинг етишиб чиқишига хизмат қилиши юртимиз азалдан буюк тарихга эга эканини яна бир марта исботлайди.

Шерзод НИЯЗИМБЕТОВ,
Нукус тумани “Биогумус” фермер
хўжалиги раҳбари

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг расмий очилиш муносабати билан ташкил этилган ифтор тадбирида иштирок этиш мен учун катта шараф ва унутилмас воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари шахсан ўзи иштирок этгани эса бу тадбирга янада мазмун ва аҳамият бағишлади.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ЭЗГУЛИК МАЁҒИ

Жорий йилнинг 17 март куни юртимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа — Ислom цивилизацияси марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу улғу даргоҳ нафақат бой тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш, балки замонвий илм-фан, маърифат ва маданиятни уйғунлаштирган ҳолда келажак авлодга етказишда беқиёс аҳамият касб этади.

Марказ асримизнинг ҳақиқий маърифат маёғи сифатида инсонларни эзгулик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат руҳида бирлаштиришга хизмат қилади. Бугун бутун дунё тинчлик ва ўзаро ишончга эҳтиёж сезаётган бир пайтда ушбу маскан ана шундай юксак қадриятларни тарғиб этувчи муҳим маънавий кўприк бўлиши шубҳасиз.


Мамлакатимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва бой маданияти, янги Ўзбекистон имкониятларининг ёрқин кўзгуси бўлган ушбу бетакрор ва улғувор мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этишимнинг ўзи қалбимга бир олам завқу шавқ ва ўзгача ҳарорат бахш этди.

Бундай таърифи беқиёс кошонанинг гаройиб ва ажойиб жиҳатлари ҳақида гапиришга эса тил ожиз. Энг асосийси, ушбу марказнинг шундай улғу кунларда очилиши, унда иштирок этишим аёллик, оналик ва бувилик давримдаги энг ҳаловатли, энг гўзал ва ажиб бир нури кун бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг **“Ислom цивилизацияси марказининг Улғубек дарвозаси пештоқига Қуръони каримнинг “Икра”, яъни “Уқи!” деган муборак оятини муҳрлаб қўйдик. Бу илоҳий сўзлар замирида ислom динининг асл маъно-мазмунини мужассам**

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофая ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси

Бугун жаҳонда турли қарама-қаршиликлар, таҳликали вазиятлар кучайиб бораётган бир шароитда тинчлик, бағрикенглик ва маърифат гоёларини илгари суриш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.



Фарида АБДУРАҲИМОВА,
“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот
институтини бўлим бошлиғи, педагогика
фанлари номзоди, профессор

десақ, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Халқаро экспертлар эътироф этганидек, бугун Ўзбекистонда ислom цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб яратишга эришдик. Нақадар катта имкониятларимиз, интеллектуал салоҳиятимиз борлигини дунёга намоян эта олдик. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурунласак арзийди”, деган сўзлари эса чиндан ҳам қалбимизга нур каби синиги кетди.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу улғувор марказ Ўзбекистонимизнинг доврғини етти иқлимга янада машҳур қилади. Бунга ҳар бир юртдошимиз айна даргоҳга қадам қўйганда тўла амин бўлади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ НАМОЁН ЭТУВЧИ МАСКАН

Ана шундай мураккаб даврда мамлакатимизда кечаётган изчил ислохотлар, айниқса, Президентимиз илгари сурган ташаббусларни нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти юксак эътироф этаётгани барчамизга ифтихор бағишлайди.

Бугун юксак гоёлар асосида барпо этилган Ислom цивилизацияси маркази юртимизнинг кўп минг йиллик тарихи ва бой маънавий меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишда беқиёс аҳамият касб этаётган ноёб мажмуага айланди. Ушбу марказни нафақат мейморий иншоот, балки халқимизнинг маънавий қиёфаси, тарихий хотираси ва интеллектуал салоҳиятини намоян этувчи улкан маърифий маскан сифатида кўрдик.

Марказнинг расмий очилиш маросими муборак Рамозон ойига тўғри келгани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Чунки у меҳр-оқибат, саховат ва инсонпарварлик фазилатларини юксалтириш оидидир. Бугун юртимиздаги ижтимоий ҳимоя, эҳтиёжманд аҳолига кўмак бериш, тиббий хизматлари

ШОНЛИ ЎТМИШИМИЗГА МОС УЛУҒВОР МАЖМУА

Ислom цивилизацияси марказининг тантанали очилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун ислom олами ва жаҳон жамоатчилиги учун катта аҳамиятга эга бўлди, десам янглишмайман. Зеро, ушбу марказ юртимизнинг кўп асрлик илмий-маърифий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг жаҳонга намоян этиш йўлидаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк алломалар — Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирлар жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган. Уларнинг бой илмий мероси бугунги кунгача инсоният тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Янги очилган марказ эса ана шу бебаҳо меросни чуқур ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ва уни замонвий усуллар орқали кенг жамоатчиликка етказишни мақсад қилган.

Марказда замонвий инфратузилмага эга бўлиб, унда ноёб кўлэмалар, қадимий манбалар, интерактив экспозициялар ва илмий тадқиқотлар учун кенг имкониятлар яратилган. Бу ерда халқаро илмий анжуманлар, конференциялар ва маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилгани эса унинг аҳамиятини янада оширади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, марказ келгусида жаҳон миқёсидаги илмий-маърифий масканлардан бирига айланади кутулмоқда.

Энг муҳими, мазкур даргоҳ бугунги глобаллашув шароитида инсонларни

Акmal НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Бадий
академияси раиси,
Ўзбекистон халқ рассоми

бирлаштирувчи, тинчлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат гоёларини тарғиб этувчи муҳим маскан сифатида хизмат қилади. Айниқса, ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда унинг ўрни беқиёс. Чунки бу ерда тарих ва замонвийлик уйғунлашиб, инсонни маънавий бойитувчи муҳит яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ислom цивилизацияси маркази юртимизнинг маънавий ҳаётига ҳам янги саҳифа очди. У нафақат ўтмишни англаш, балки келажакни барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлади.

Ислom цивилизацияси марказининг 2026 йилда очилиши кутулаётган нуфузли музейлар рўйхатида киритилгани, шубҳасиз, мамлакатимиз давлатида келажак авлодга қадимий меросни етказишда беқиёс аҳамият касб этаётгани билан муносабидир.

Мазкур марказни барпо этиш ва уни бой тарихий мерос билан таъминлашда Президентимизнинг шахсий ташаббури ва ҳиссаси беқиёс. Дунёнинг турли бурчакларида сақланаётган ноёб кўлэмалар, тарихий ёдгорликлар ва экспонатларни юртимизга олиб келиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу эса халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданий меросини қайта тиклаш, уни келажак авлодга етказиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ҳар бир юртдошимиз ўз оиласи, фарзандлари билан ушбу марказга бориб, халқимизнинг бой тарихи ва маънавий мероси билан яқиндан танишиши жуда муҳим. Чунки инсон ўз илдизларини, ўзлигини англагани сари қалбида Ватанга муҳаббат, миллий гуруру ва масъулият туйғулари янада мустаҳкамланади.



РАҚАМЛИ ИРРИГАЦИЯ ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Мамлакатимизда кейинги йилларда сув ресурсларини тежаш бўйича ўтказилаётган ислохотлар нафақат миллий, балки минтақавий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу неъматдан самарали фойдаланиш, ирригация тизимларини модернизация қилиш, тежамкор технологияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасида сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси қабул қилинди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича улкан мақсадлар белгиланган.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси қабул қилинди. Президентимизнинг 2024 йил 5 январдаги “Кўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ер майдонини сув билан таъминлаш мақсадида манбанинг сувлилик даражасидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман кенгашларидан сув олиш лимитини тасдиқлаш бўйича янги механизм йўлга қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 13 октябрдаги “Сув соҳасини рақамлаштириш жараёни янада жадаллаштириш ва барқарор ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2025 йил 14 октябрдаги “Кўйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳанинг хусусий сектор учун жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, энди янги ёндашув асосида сув ҳисобини юритиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. “Suv hisobi” ахборот платформаси орқали фойдаланилган сув миқдори аниқ ҳисобланади ва истеъмолчиларга электрон тарзда маълум қилинади. Бу тизим ҳисоб-китобларда инсон омилини камайтириш, ортиқча қоғозбозликни бартараф этиш ҳамда ресурслардан фойдаланиш самардорлигини оширишга хизмат қилади.

Маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” платформаси билан интеграция қилинади.

Шу орқали суғориладиган ерлар, экин турлари ва сув лимити ҳақидаги маълумотлар автоматик янгилаб борилади.

Шунингдек, соҳадаги барча маълумотни ягона тизимда жамлаш учун Сув ҳўжалиги вазирлигининг “Сув ҳўжалигини рақамлаштириш ва мониторинг маркази” ташкил этилади. Марказ сув баланси, насос станциялари ва сув сарфи бўйича маълумотларни таҳлил этади, қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш имконини беради.

Соҳада “Давлат сув кадастри” ахборот тизими ишлаб чиқилади. У орқали сув ресурсларига оид маълумотлар тегишли вазирлик ва идоралардан йиғилади ҳамда ягона базада шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, маълумот алмашиш жараёнини соддалаштириб, ҳисоботларни қозғода юритиш амалиётини қисқартиради. “Давлат сув кадастри” тизимини 2026 йил апрелда қадар тўлиқ ишга тушириш режалаштирилган.

Сув ҳўжалиги насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқариш амалиёти кенгайтирилади. 2026 йилда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларининг 50 фоизини, 2027 йилга бориб эса Наманган вилоятидаги барча насос станцияларини хусусий шерикликка бериш режалаштирилган.

Бу борада Наманган вилоятининг Чортоқ туманида “бир насос — бир тизим” тамойили асосида “Чортоқ тажрибаси” амалга оширилади. Бунда хусусий шерик истеъмолчиларини сув лимити доирасида сув билан таъминлайди, насосларга боғланган майдонлардан ҳисобланган сув солигининг 40 фоизи хусусий шерикка тўлаб берилади. Ушбу маблағ ҳисобидан сув ҳисоби автоматлаштирилади ва насос станциялари босқичма-босқич модернизация қилинади.

Тажрибанинг мазмун-моҳияти ҳамда афзалликларини деҳқон ва фермерларга етказиш мақсадида “Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида 2025-2026 йилларда ҳар бир туманда биттадан “ўқув дала шийпони”



Зафар МУСТАФОҚУЛОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари

ташкил этилиб, 141 туманда 3500 гектар майдон қамраб олинади.

Соҳада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш, ҳисоб ва ҳисобот юритишни тўлиқ автоматлаштириш, кўйи бўғинда хизмат кўрсатиш самардорлигини ошириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Бундан ташқари: Солиқ кодексига сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланиши; сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланиши; сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланиши; баллиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланиши; сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 0,7 камайтирувчи коэффициент қўлланиши.



ускуналари асосида аниқланганда сув солиги ставкасига 1,1 оширувчи коэффициент қўлланилади.

Республика бўйича 2,8 миллион гектарда, яъни суғориладиган экин майдонларининг 66 фоизда сув тежовчи технологияларни жорий қилишга эришилди.

Сўнгги йилларда томчилаб суғориш тизими жадал суръатда кенгайди. Айрим ҳудудларда пахтачилик, боғдорчилик ва сабзавотчиликда 40-60 фоизгача сув тежалишига эришилди. Бу нафақат сувни, балки ўғит ва энергия сарфини ҳам камайтирди.

Лазерли текислаш қишлоқ хўжалиги ерларида сувнинг бир хил тарқалишини таъминлади. У сув даврида ҳосилдорлигининг 15-20

фоиз ошиши кузатилди. Бу агротехнологияни фермерлар энг самарали инновациялардан бири сифатида баҳоламоқда.

Сув тежайдиган ускуналар қийматининг 30-40 фоизи, сарфланган электр энергияси тўловининг эса 100 фоизини давлат қоплаб бераётгани фермерларнинг қизиқишини янада оширди. Хукуматнинг қўшимча кредит ва лизинг имтиёзлари эса технологияни оммавий жорий этишга йўл очди. Сув истеъмолини аниқлаш, намлик сенсорлари, дрон орқали мониторинг ва автомат суғориш тизимлари қўллана бошланди. Айрим йирик хўжалиқлар ишлаб чиқариш харажатини 30 фоизгача тежашга эришмоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқида нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатлари, яқин ва узоқдаги мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳал этиши лозим бўлган энг муҳим масалаларга ечим топиш бўйича аниқ тақлифларни билдирди. Хусусан, ўткир тус олаётган иқлим ўзгариши муаммолари, жумладан, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлиги, сув ресурсларининг тақчиллиги, дунё аҳолисининг икки миллиарддан ортиги тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги таъкидланди.

Мамлакатимизда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилган, сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгиланган, глобал даражада инновацион технологияларни жорий этиш учун алоҳида “Йўл харитаси” қабул қилиш зарурлиги билдирилди.

Экологик ўзгаришларнинг яна бир салбий кўриниши — иқлим миграцияси кучайиб бораётгани тўғрисида бу масалада кенг халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича Глобал пакт қабул қилиш тақлиф этилди.

БМТ тизимлари билан ҳамкорликда минтақамизда қатор янги лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди. Жумладан, ЭКОСОС ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказилиши, ЮНИДО билан санаотда “Яшил” технологияларини минтақавий хабини ташкил этиш, минтақамизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда деградация барқарорликка эришиш бўйича дастурларни амалга ошириш зарур.

Шу билан бирга, Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни

инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилиниши каби қатор самарали сазй-ҳаракатларни эслаш ўрнили.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2025 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган VII Маслаҳат учрашувида давлатимиз раҳбари 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ҳамда Сув ҳўжалиги соҳасида минтақавий компетенциялар марказини ташкил этиш ташаббусларини билдирди.

— Кўшнни мамлакатлар билан юртигаётган инновациялар оқилона сиёсат натижасида минтақамизда сув ҳўжалиги соҳасида мураккаб янги ҳамкорлик муҳити шаклланди. Бу эса барча томонлар манфаатларини тенг ҳисобга олган ҳолда конструктив муносабатларни барқарорлаштириш, трансгегаравий дарёлардан самарали фойдаланиш, сув тақсимотини мувофиқлаштиришга мустаҳкам замин яратмоқда, — дейди сув ҳўжалиги вазир Шавкат Ҳамроев. — Ўзбекистон давлатларини сув ҳамкорлиги механизми янада такомиллаштириш юзасидан минтақанинг барча давлатлари билан оқил мулоқотга тайёр.

Жумладан, Сирдарё оқими бўйича Ўзбекистондан кўйида жойлашган Қозғистон билан юртимизни фақат дарёнинг ўзи эмас, бошқа сув манбалари ҳам боғлайди. Мисол учун, Сирдарёдан сув олувчи ва юртимизнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан ўтувчи Дўстлик канали орқали Қозғистоннинг Туркистон вилояти Еттисой ва Махтарал туманларидаги экин майдонлари суғорилади. Чирчиқ дарёси ҳавзасидан Зах, Хонум ва Катта Келес каналлари орқали Қозғистоннинг Туркистон вилояти Саригоч, Қазигурт туманлари сув билан таъминланади. Кўшнни мамлакат ҳудудидаги Чордара сув омборидан Ўзбекистон ҳудудидаги Арнасай сув омборига сув олиш имкони мавжуд.


Улуғ неъмат бўлган сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. У хайвонот ва наботот, бутун борлиқнинг тириклик манбаи. Глобал иқлим ўзгаришлари, ёгингарчилик миқдори камайиши ва бошқа омиллар таъсирида сезиларли камайиб, эҳтиёж йилдан йилга ортмоқда. Бугун сув Марказий Осиё халқларининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминловчи энг муҳим ресурслардан бири экани сир эмас.



Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, трансгегаравий сувни адолатли бошқариш ва минтақамизда сув хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор муҳим халқаро ташаббуслар илгари сурилатганининг боиси ҳам шу. Ушбу ташаббуслар минтақамизда барқарор ривожланишни таъминлаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш ва давлатлар ўртасида ишончли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Шу жумладан, Президентимиз ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик траст жамғармаси ташкил этилиши, БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасида трансгегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари конструктив руҳда ҳал этиб келинмоқда. 2025 йил 15 ноябрда стратегик шерикликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ва Қозғистон хукуматлари трансгегаравий сув объектларидан биргаликда фойдаланиш ва уларни бошқариш тўғрисидаги битимни имзолади. Айни пайтда битимни амалга ошириш учун зарур ички давлат тартиб-таомиллари мамлакатимиз томонидан яқунлади. Хужжатнинг кучга кириши учун Президентимизнинг “Халқаро



инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилиниши каби қатор самарали сазй-ҳаракатларни эслаш ўрнили.

Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2025 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган VII Маслаҳат учрашувида давлатимиз раҳбари 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ҳамда Сув ҳўжалиги соҳасида минтақавий компетенциялар марказини ташкил этиш ташаббусларини билдирди.

— Кўшнни мамлакатлар билан юртигаётган инновациялар оқилона сиёсат натижасида минтақамизда сув ҳўжалиги соҳасида мураккаб янги ҳамкорлик муҳити шаклланди. Бу эса барча томонлар манфаатларини тенг ҳисобга олган ҳолда конструктив муносабатларни барқарорлаштириш, трансгегаравий дарёлардан самарали фойдаланиш, сув тақсимотини мувофиқлаштиришга мустаҳкам замин яратмоқда, — дейди сув ҳўжалиги вазир Шавкат Ҳамроев. — Ўзбекистон давлатларини сув ҳамкорлиги механизми янада такомиллаштириш юзасидан минтақанинг барча давлатлари билан оқил мулоқотга тайёр.

Жумладан, Сирдарё оқими бўйича Ўзбекистондан кўйида жойлашган Қозғистон билан юртимизни фақат дарёнинг ўзи эмас, бошқа сув манбалари ҳам боғлайди. Мисол учун, Сирдарёдан сув олувчи ва юртимизнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан ўтувчи Дўстлик канали орқали Қозғистоннинг Туркистон вилояти Еттисой ва Махтарал туманларидаги экин майдонлари суғорилади. Чирчиқ дарёси ҳавзасидан Зах, Хонум ва Катта Келес каналлари орқали Қозғистоннинг Туркистон вилояти Саригоч, Қазигурт туманлари сув билан таъминланади. Кўшнни мамлакат ҳудудидаги Чордара сув омборидан Ўзбекистон ҳудудидаги Арнасай сув омборига сув олиш имкони мавжуд.

шартномани тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Битим трансгегаравий сув объектларини бошқаришда тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳавий идоралар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш ва икки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатларимизнинг сув ҳўжалиги соҳасидаги мутахассислари ўзаро тажриба алмашиб келади. Тошкент шаҳридаги “Сувчилар мактаби”да қозғистонлик мутахассислар учун ўқув семинари ташкил этиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиёнинг трансгегаравий дарёлари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Унинг йиғилишларида сув ҳўжалиги соҳасида қўшма трансгегаравий лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари, сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, Баҳри тожик сув омборининг иш режимини келиши каби масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғистон ўртасида ёғи даврда Баҳри тожик сув омборининг иш режимини келиши бўйича самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур ҳамкорлик ҳар йили ўзбек, қозок ва тожик томонлари иштирокидаги ишчи йиғилиш баённомаларини имзолаш орқали амалга оширилади. Мисол учун, ўтган йил 30 май кунги имзоланган баённомада 2025 йил июнь август ойлари учун 1142 миллион куб метр ҳажмда сув чиқариш режалаштирилган эди. Амалда эса сув чиқариш ҳажми 1241 миллион куб метрни ташкил этди. Қўшимча сув чиқарилиши Сирдарё ҳавзасига кирувчи Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини берди.

Амударёдан Сурхондарё вилоятида Амузанг, Қашқадарё вилоятида Қарши магистрал

канали насос станциялари каскади, Бухоро вилоятида Аму-Бухоро машина канали насос станцияси орқали сув олинади. Ўз навбатида, Қарши магистрал канали орқали Туркманiston ҳудудида сув етказиб берилади. Қарши магистрал канали насос станциялари каскадининг 6 та насос станцияси Туркманiston ҳудудида жойлашган. Ўзбекистонлик сувчилар кўшнни давлат ҳудудига ўғит, уларни ишлади.

Бундан ташқари Қарши магистрал каналларидан фойдаланиш бошқармаси, Аму-Бухоро машина каналларидан фойдаланиш бошқармаси тизимида Туркманistonнинг 700 нафарга яқин фуқароси ўзбекистонлик мутахассислар билан биргаликда ишлади.

Туркманiston Амударёдан ўз ҳудудидаги Қорақум ва бошқа каналлар ҳамда кичик насос станциялари орқали сув олади. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ва Қорақолпоғистон Республикаси ҳамда Туркманistonнинг Тошовуз вилояти ҳудудларини сув билан таъминловчи Туямуён сув омбори эса икки мамлакат чегара ҳудудларида жойлашган. Ундан чиқариладиган сув Туркманндар ҳамда Чапқирғоқ магистрал каналлари, шунингдек, Туямуён гидроузелининг пастки қисми, Амударёнинг чап томонидан Хонёп, Жумабой соқа, Қиличннзобой ва Қипчоқ-Бўзусу каналлари орқали Тошовуз вилояти ҳудудларига етказиб берилади.

Ўзбекистон ва Туркманiston ҳукуматлари ўртасида Сув масалалари бўйича Ўзбекистон — Туркманiston ҳукуматлари қўшма комиссияси ишламоқда. Туркманiston сув ҳўжалиги соҳаси билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бугунги кунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий-тадқиқот университетида 2000 нафарга яқин туркман талабаси тахсил олмақда.

Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозғистон сув ҳўжалиги ҳамда энергетика идоралари ўртасида Тўхтагул сув омборида Ўзбекистон ва Қозғистонда суғориладиган ерларда вегетация даврини барқарор ўтказиш учун зарур бўлган сув ҳажмини тўплагача қаратилган уч томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилган. Уч давлатнинг сув ҳўжалиги ва энергетика идоралари раҳбарлари учрашувлари яқунлари бўйича Тўхтагул сув омбори сатҳини критик даражагача пасайиб кетишининг олдини олиш, шунингдек, ўзаро электр энергияси етказиб бериш таъминлаш масалалари юзасидан мунтазам равишда баённомалар имзолаб келинмоқда.

Сув ҳўжалиги вазирлигининг Халқаро алоқалар ва Жаҳон савдо ташкилоти масалалари бўлими бошлиғи Отабек Ҳазратовнинг маълум қилишича, бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан сув масалалари бўйича алоқаларни Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясида, сувдан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар доирасида изчил ривожлантиряпти.

Яна бир янгилик. 2026 йил 25-26 март кунлари Тошкент шаҳрида сув ресурсларини бошқариш ва сув хавфсизлиги масалаларига бағишланган йирик халқаро форум — “Tashkent Water Week — 2026” ўтказилди. Форум Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан ташкил этилмоқда ва унда давлат органлари, халқаро ташкилотлар, илмий муассасалар ҳамда бизнес вакиллари иштирок этиши кутуляпти.

“Tashkent Water Week”нинг марказий тадбири Халқаро сув форуми ҳисобланади. Форум доирасида Марказий Осиёда сув хавфсизлиги, трансгегаравий сув ресурсларини бошқариш, иқлим ўзгариши ва сув танқислиги, сув инфратузилмасини модернизациялаш, инновацион технологиялар ва рақамлаштириш каби масалалар муҳокама қилинади.

Шунингдек, форум доирасида сув ва қишлоқ хўжалиги, гидроэнергетика ва ресурслар баланси, инновациялар ва рақамли технологиялар, илм-фан ва таълим каби 8 та тематик сессия, тақдиротлар, учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу тадбир Марказий Осиёда сув ресурсларини барқарор бошқариш, сув танқислиги муаммолари ва инновацион ечимларни муҳокама қилиш учун муҳим минтақавий платформа бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президентининг сув соҳасида нафақат ўз халқи, балки минтақа халқларининг манфаатини кўзлаб ҳалқаро минбарларда илгари сураётган ташаббуслари кенг қўлаб ёйиб, ўз натижаларини бермоқда. Қўшни давлатлар умумий бойлик ҳисобланган сувдан оқилона фойдаланиш, ресурсларни самарали бошқариш ва минтақамизда сув танқислигини камайтиришдек эзгу мақсад йўлида бир ёқадан бос чиқариб, аҳиллик билан зиммаларидаги шарафли вазифаларини адо этаётгани бунинг тасдиғидир.



Янги Ўзбекистонни сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш борасидаги ислохотларда инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш асосий ўрин эгаллайди. Юртимизда хотин-қизлар ва болаларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қонунчилигимизда ҳуқуқий қафолатлар мустаҳкамланган.

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Рақамли технологиялар замонавий давлат ривожига муҳим ўрин тутди. Шу маънода, юртимизда ёшларнинг ахборот технологиялари соҳаси бўйича билим ва салоҳиятини намоён қилиши, таҳлилий фикрлаши, иқтидори ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароит яратишга катта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, БАА билан ҳамкорликда 2019 йилда бошланган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 2 миллиондан ортиқ ёшларимиз билим ва кўникмаларини оширди.



“Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида 100 га яқин ўғил-қизларимиз дунёнинг энг нуфузли университетларида таҳсил олмақда. Қолаверса, мамлакатимизда ахборот технологиялари хизмати экспорти ҳажми ўтган йиллардагига нисбатан 4,5 қарра ўсиб, 1 миллиард долларга яқинлашгани ҳам соҳадаги ислохотлар натижадорлигини тасдиқлайди.

Президентимиз ўтган йили Халқаро конгресс марказида сунлий интелект бўйича халқаро форумнинг тантанали очилиш маросимида 2030 йилга қадар фақат АТ хизматлари экспорти қийматини 5 миллиард долларга етказиш, соҳада етишиб чиқадиган миллионлаб ёшлар учун юқори даромадли иш ўринларини очиб бўйича катта марралар олинганини таъкидлаганди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, ҳозирги тез ўзгараётган замонада барча соҳага ахборот технологияларини билган кадрлар сув ва ҳаводек зарур. Бу жаҳадаги хизматлар ҳам, экспорт ҳам айнан малакали кадрларга боғлиқ. Шу боис, ахборот технологиялари мутахассисларини тайёрлаш учун зарур инфратузилма босқичма-босқич кенгайтирилиб, такомиллаштирилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида рақамли технологияларни ривожлантириш ҳолда мамлакатни минтақавий АТ хабига айлантиришга доир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, АТ хизматлари ва дастурчи маҳсулотлар экспорти қийматини 5 миллиард долларга етказиш ва 300 минг кишини ушбу соҳада ишли қилиш мақсади белгиланган.

Бунинг учун ҳудудларда ахборот технологиялари инфратузилмаси ва венчур

бозорини ривожлантириш, маҳаллий корхоналарни экспорт даражасига олиб чиқиш, юртимизда халқаро компаниялар офисларини очиб каби йўналишларда рақамли трансформация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Янги АТ компаниялари ташкил этилиб, чет эл сармоясига тобора кўп жалб этилмоқда. Ёшларни мазкур соҳа билимдонлиги этиб тайёрлашда давлат ташкилотлари билан бирга нодавлат ташкилотларнинг ҳам салмоқли ўрни бор.

— Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан халқаро АТ сертификатига эга ёшларнинг ўқиш ҳамда ушбу сертификатларни олиш харажати 60 фоизгача қисм қоплаб берилаётди. Шунингдек, инглиз тилини билиш бўйича В2 ва ундан юқори даражадаги сертификатга эга ўғил-қизларнинг халқаро АТ сертификатини олиш харажати эса тўлиқ қопланмоқда. — дейди Тошкент таълим академияси ўқув маркази раҳбари Шоҳрух Ержанов. — Фаолият бошлаганимизга қарий уч йил бўлди. Ҳозир асосий мақсадимиз соҳага замонавий инновацияларни, хорижий тажриба асосида замонавий услубларни жорий этиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг билими ҳамда кўникмасини ошириш ҳолда бандлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Ўқув марказида ёшлар ўндан ортиқ йўналиш бўйича касб-хунар ўрганади. Утган даврда бу ерда 2000 дан зиёд ёш АТ бўйича таълим олиб, махсус сертификатга эга бўлди. Биргина ўтган йили таълим муассасасини битирган


300 дан ортиқ йигит-қиз халқаро таълим сертификатини олди. Шунингдек, АТ соҳасига оид янгиликлар, ихтиролар қилиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш ҳамда илмий фаолиятга жалб этишни мақсад қилганмиз. Бугун меҳнат бозори, иш бериувчилар жуда талабчан. Биргина чет тилини билишининг ўзи етарли эмас. Айнан шунинг учун ҳам таълим муассасамиз ушбу йўналишда халқаро CompTIA, Oracle, Juniper ташкилотлари билан ҳамкорликда битирувчиларга шу ташкилотларнинг халқаро миқёсда тан олинган сертификатларини беради. Бугун ўзига муносиб, даромадли иш топаман деган ҳар бир ёш учун бундай сертификатлар жуда муҳим. Бу каби сертификатга эга ёшлар Ўзбекистонда туриб ҳам бошқа мамлакатларда онлайн фрилансерлик қилиши мумкин.

Таълим маркази Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, мактаб ўқувчиси ёки битирувчиси камбағал оила реестрига киритилган бўлса, мутлақо бепул таълим олиши мумкин. Аҳамиятлиги тингловчилар бошланғич жараёнда то мутахассис даражасига етгунгача тайёрланади. Шу билан бирга, ишсиз фуқаролар ҳам қисқа муддатли курсларда ўқитилиб, бандлик бўлимига юборилмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАР БИР АЁЛ ҲИМОЯЛАНГАН, ҲАР БИР БОЛА ХАВФСИЗ ВА БАХТЛИ

Жумладан, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга оиладаги зўравонликни жиноят деб ҳисобловчи ҳамда аёллар ва болаларни қўшма ҳимоя механизми билан таъминлайдиган Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилинган.



Фотима ИСМОИЛОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани суди раисининг
ўринбосари

Қонунларимизда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга зўравонлик ва таъий қилган айбдорларга тегишли жавобгарлик белгиланган бўлса-да, тергов ва судларда бу каби ишларни сифатли қўриб чиқиш, айбдорларга қилинмиши яраша қонуний чора қўриш, жабрланганларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда қонунларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд эди.

Президентимизнинг шу йил 3 мартдаги “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъийқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга кўтариш, эрта никоҳнинг олдини олиш, зўравонликка қарши тизимни кучайтириш ва жабрланганларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Хусусан, ҳужжат бир неча муҳим вазифани қамраб олган. Аввало, аёллар ва болаларга нисбатан ҳар қандай таъийқ ва зўравонликка қарши кураш тизими янада кучайтирилди. Жумладан, фармонга биноан вояга етмаган

шахслар билан никоҳ тузишга даъват этганик (қизиқтирилганлик) ва уни тарғиб қилганлик, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш ва ФХДЭ органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, диний идора вакилларининг эрта никоҳ ёки 16 ёшгача бўлган ҳомилдорлик билан боғлиқ ҳолатлар ҳамда бошқа қонунбузишлар тўғрисида ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига хабар бермаганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланган назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, шахвоний шилқимлик учун белгиланган 5 суткагача маъмурий қамоқ жазосини ошириш, педофиллар учун



умрбод озодликдан маҳрум қилишга бўлган жазони белгиланган, Жиноят кодексининг 118- ва 119-моддаларидаги жинсий жиноятларни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказмаслик, Жиноят кодексининг 6 та моддасидаги жинсий жиноятлар бўйича ишларни тергов қилиш ваколатини ички ишлар органларидан прокуратурага ўтказиш ҳам шулар жумласидан.

Шунингдек, зўравонлик ҳолатини содир этган шахснинг руҳиятида бузилиш мавжудлигига асослан бўлган тақдирда, мажбурий амбулатор психиатр кўригидан ўтказилишини ташкил этиш, руҳиятида бузилиш аниқланганда белгиланган тартибда тиббиёт муассасасига жойлаштириш зарурлиги белгиланмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар ва илғор хорижий амалиётни ўрганган ҳолда, уларни айнан жинси сабабли қасддан ўлдирши (фемидид), оила азёларини қасддан ўлдирши (фамилцид), шахсни эркига қарши ноқонуний таъийқ қилиш (сталкинг), интернет ёки ижтимоий тармоқларда содир этиладиган зўравонлик (киберзўравонлик), вояга етмаган шахслардан жинсий мақсадда фойдаланиш ҳамда шу мақсадда интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончини қозониш (онлайн гриминг) учун қонунчиликда жавобгарлик белгиланган тақдирда.

Энг муҳими, фирқон эрта никоҳнинг олдини олиш, никоҳ ёшини 21 ёшга етказиш орқали ёшларни онгли ва масъулиятли оила қуришга рағбатлантириш, ҳомилдор талаба-қизларга ва ёш оналарга олий таълимни давом эттириш имконини яратиш, жинсий жиноятлар бўйича терговни фақат прокуратурага топшириш, агрессорлар билан ишлаш тизимини кучайтириш каби комплекс чораларни қамраб олади.

Бу чоралар натижасида жабрланувчиларнинг ҳимоси кучаяди, тергов ва суд жараёнларининг сифати ошади, зўравонлик қурбонлигига тез ва самарали ёрдам кўрсатилади. Зўравонлик ҳолатлари кескин камаяди ва жазо муқаррарлиги таъминланади.

Ҳар бир аёл ўзини ҳимояланган, ҳар бир бола эса хавфсиз ва бахтли қилиши — янги Ўзбекистоннинг энг муҳим мақсадларидан. Жамиятда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва адолат қарор топса, инсонлар ўзини эркин ва бахтли қили қилади. Одамлар тинч яшайдиган мамлакатда меҳнат унумдорлиги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт ҳам юксалади. Шу боис, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳит яратиш давлат тараққиётининг муҳим омилдир. Одамлар тинч ва ҳаётдан рози яшаса, давлат ҳам барқарор ривожланади.

Шундай экан, барчамиз биргаликда зўравонликка қарши муросасиз жамият қуриш, оила институтини мустаҳкамлаш ва келажак авлод учун янада адолатли, меҳрибон ва хавфсиз муҳит яратишга ҳисса қўшайлик. Зеро, мазкур фармон инсон ҳуқуқларини таъминлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ва келажак авлод учун хавфсиз ҳамда барқарор жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан.



Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология
институтини директори, техника
фанлари доктори, профессор

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ИННОВАЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

даги олий ўқув юртлири сони икки ярим баробар кўпайиб, умумий миқдори 200 дан ошгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, навқирон авлоднинг олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизгача оширилгани жамиятда интеллектуал салоҳиятнинг қатламнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. 380 дан ортиқ олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг глобал ахборот маконидаги тегишли ресурслар билан интеграциялашуви таъминланди. Натижада маҳаллий олимларнинг хорижий нуфузли нашрлардаги иштироки икки ярим баробар кўпайди. 2017 йилдан бошлаб тизимнинг учинчи муҳим компоненти бўлган ишлаб чиқариш соҳасини илм-фан билан боғлаш орқали босқичма-босқич юксалиш жараёнига асос солинди.

Шундай бўлса-да, эришилган натижалар билан чекланиб қолдиш бугуннинг талабларига жавоб бермайди. Илм-фан ва инновация фаолият иштирокчилари ташқи ҳамкорлар билан алоқа ўрнатди ҳамда халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти кенгайди. Бироқ шундай шароитда ҳам маҳаллий даражадаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Хусусан, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ички интеграция жараёни ҳанузгача суст кечмоқда. Маҳаллий илмий-ахборот инфратузилмаси субъектларининг ўзаро тараққ ҳолда фаолият юритаётгани ва ахборотларнинг қисий таҳлилидаги рақамлар номунасоблиги каби омиллар соҳа ривожига маълум маънода тўсиқ бўлмоқда. Ушбу бўшлиқларни тўлдирish маҳаллий илмий ишланмаларни тўғридан тўғри иқтисодий тармоқларга жорий этишни тезлаштиришда гоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда минтақавий инновацион тизим тушуновчаси моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ҳудудларда соҳа ва соҳалараро ички ҳамда ташқи интегра-



% 5 1 8 1 8 ñ ð è í 5

цияни кучайтириш орқали маҳаллий иқтисодийни юксалтириш мумкин. Замонавий инфратузилма объектлари, хусусан, технопарклар, олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда саноат корхоналари фаолиятининг ўзаро узвийлигига эришиш мазкур тизимнинг асосий шартидир. Бундай ёндашув маҳаллий хомаёш ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўринини босувчи ва экспортга йўналтирилган махсулотлар ишлаб чиқаришга замин яратди. Қолаверса, инновацион ва инвестицион жараёнлар, шунингдек, рақамли ҳамда “яшил” иқтисодийни жадаллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Яратувчанликни рағбатлантириш, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш ҳамда илмий салоҳият ва ахборот-ресурс марказларининг бой захираларидан оқилона фойдаланиш минтақавий тараққиётнинг қалти бўлиб хизмат қилади.

илмий гоиянинг туғилишигача, интеллектуал мулк объекти ишлаб чиқилишидан стандартлар жорий этилиб, реал инновация сифатида иқтисодийга кириб боришигача бўлган экомуҳит замири тўлақолини ҳаракатга келди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги ўта масъулиятчи босқичи юқори малакали олий ва ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш билан чекланиб қолмай, илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштиришни кун тартибига қўймоқда. Мамлакатдаги интеллектуал ва моддий ресурсларни йирик илмий-амалий дастурлар ҳамда истиқбол инновацион лойиҳаларга йўналтириш зарур. Бу ресурслар иқтисодийнинг тезкор ривожига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Уларни ишлаб чиқариш тармоқлари билан уйғунлаштириш ҳолда шакллантириш эса даврнинг кечиктириб бўлма талабдир. Ушбу жараёнда аудиторидаги наслари, лабораториядаги синнов ва ҳисса: амалиётнинг ўзаро узвий алоқдорлигини таъминлаш тизимли ислохотларнинг бош мезонига айланмоғи лозим.

Олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион ҳамкорлигини мутлақо янги ва юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида қатор тизимли ёндашувларни амалиётга кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Дастлаб олийгоҳлардаги мутахассислик кафедралари ва илмий лабораториялар негизда муайян ишлаб чиқариш муаммосига йўналтирилган инновацион гуруҳларни ташкил этиш лозим. Улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун ягона маълумотлар банкини шакллантириш талаб этилади. Бу банк йил кесимида мунтазам янгиланиб бориши ҳамда барча соҳадаги корхона, ташкилот ва илмий муассасаларни ўзида жамлашни лозим. Шу билан бирга, саноат тармоқларидаги илмий-техник муаммоларнинг ягона ахборот базасини яратиш орқали олимларимизнинг изланишлари айнан жамият

Юртимизда ёшларнинг сифатли таълим олиш имконияти кескин кенгайтирилди. Жумладан, қисқа муддатда республикамиз-



Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, Янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик!

Болалигимизда кўкларнинг илк нишонлари — сийрак тортиган қор қўйнидан қимтинибгина буй чўзаётган оқ, сарик бойчечакларни узиб, суюнчи сўраб югурганимизда бобо-бувиларимиз хар гал юз-кўзига суртиб такрорлайдиган айтим эди бу. Биз — болалар у дамда, эҳтимол, катталарнинг шу каби бир-биридан қизиқ, аллақандай сирли сўзлари, кўшиқларига, гўёки шак-шубҳасиз қилиниши лозим бўлган муқаддас амрдек бажариладиган хатти-ҳаракатларига, уларнинг мазмун-моҳиятига тушунмаган, англамагандирмиз. Лекин савқи табиий равишда барчасининг табиат билан қандайдир уйғунлигини сезар, уларга тақлидан тушуниб-тушунмай такрорлаб юрардик ўша айтимларни, бениҳоя табиий қабул қилардик.

Умуман, қишнинг совуқ нафаси аста-секин чекиниб, табиатда кечадиган ўзгаришлар, яшилланиш инсонлар қалбига ҳам ўзгача таъсир этади, гўё узок ўтмишдан келаётган, тупроқ ҳидига қоришиб кетган қадимий бир оҳанг кеза бошлади томиларимизда. Баҳор билан инсонларнинг асрлар давомида тўп-ланган руҳий тажрибаси, умид ва тилаклари, қўшиқларига сингиб кетган яшовчан хотира-си ҳам қайта уйғонгандек бўлади.

Мавсумий маросимлар ана шу хотиранинг энг қадимий қатламларидан биридир. Йил фасллари алмашгани сайин инсон ҳам табиат билан бирга яшаши, унинг ҳавоиси билан нафас олиши ўрганган. Дунёда бирор халқ йўқки, турли муносабатлар билан оммавий байрамлар нишонланмасин. Байрамлар бутун халқ тайёргарлиги билан ўтказилади. Катта шодибоналар режалаштирилади. Махсус таомлар пиширилади, байрам либослари тикилади, ўйин-кулгилар, сайиллар, томошалар, мусобақалар уюштирилади. Шунинг учун миллий байрамлар тизимида халқ тарихи, миллий хусусиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур тасаввурларни оилавий, муайян ҳудуд аҳолиси ўртасидаги маросимлар, қолаверса, миллий урф-одатлар тўлдирди, мукамаллаштирди. Демак, урф-одат, анъаналар негизда халқнинг тарихий ўзлиги яшаб, авлоддан авлодга ўтиб келар экан, уларга бот-бот қайтаверишимизда ҳам ички бир руҳий эҳтиёж бўлса, не ажаб. Айни маънода, халқимизнинг бир неча минг йиллик ўтмиши хотирасини ўзда жо этган Наврўз тантанаси арафасида ушбу байрам билан, кўклар билан боғлиқ мавсумий маросимлар ҳақида яна бир бор сўз юритишимиз, ўйлашимизки, айни вақти.

Баҳорий маросимлар фольклори халқ маданиятининг айниқса бой ва ранг-баранг қатламларидан биридир. Бу маросимлар орасида “Бойчечак хабари” ёки бойчечак сайли, “Қозон тўлди”, Наврўз сайли, сумалак сайли, лола сайли, “Тули сурх” ёки қизил гул сайли,



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Шох мойлар”, шунингдек, ёмғир ёғдириш ёки уни тўхтатиш билан боғлиқ маросим айтимлари алоҳида ўрин эгаллайди. “Суст хотин”, “Сўз хотин”, “Чайла қозоқ” каби маросимлар халқнинг табиат билан боғлиқ тасаввурлари, об-ҳаво ҳодисаларини рамзий тарзда англашга бўлган уринишларини акс эттиради. Буларнинг барчаси халқнинг қадимий дунёқарши, мифологик тасаввурлари ва табиат билан уйғун ҳаёт тарзининг бадий ифодасидир.

Жумладан, юртимиз ҳудудида анъанавий тарзда ўтказиб келинган гул сайилари орасида энг қадимий ва кенг тарқалган маросимлардан бири “Бойчечак хабари”дир. Бу маросим тарихан мағик характерга эга бўлган қадимий удулардан бири сифатида Наврўз арафасидаги шодибоналар қаторида ўтказилган. Баъзи ҳудудларда болалар бир даста бойчечакни узун ёғочнинг учига боғлаб, уни бандан кўтариб, қишлоқ кўчаларини айланган:

*Адирап тўла чечак,
Биз келдик уча-уча,*



*Бойчечаким-бойчечак,
Кутиб олдинг, ҳай чечак...*

Мазкур одат орқали баҳорнинг келгани, қишнинг орта чекингани рамзий тарзда эълон қилинган. Қадимий бойчечак маросимларида қиш ва кўклар курашини ифодаловчи саҳналар ҳам мавжуд бўлган. Унда қиш ва ёз тимсоллари рамзий жанг қилиб, айтим-қўшиқлар орқали бахшланган. Бу саҳналарда табиатдаги фасллар алмашинуви халқона тасаввурлар воситасида жонлантририлган. Маросим давомида одамлар Наврўзга соғ-омон етиб келгани учун шукрона айтиб, бир-бирларига эзгу тилақлар билдирган.

Халқ тафаккурининг бетакрор мўъжизаларидан бири бўлган Наврўз байрами ана шу баҳорий маросимлар тизимининг энг

улуғи сифатида замонлар оша яшаб келмоқда. Табиат ва жамиятдаги янгиланишни ўзда муҳассам этган бу байрам халқнинг дунёқарши, турмуш тарзи, миллий анъаналари ва бадий тафаккурининг энг муҳим ютуқларидан озиқланиб, асрлар давомида бойиб, такомиллашиб борган. Айни даврда нафақат табиат, балки инсон қалби ҳам янгиланади, яшарди. Шу боис, Наврўз сайиллари халқ қалбига қувонч, меҳр-оқибат ва эзгу умидлар бахш этадиган ҳаётбахш шодибона сифатида қадрланади. Унинг мазмуни ва тузилишида ажодларимизнинг қадимги мифологик тасаввурлари билан бирга замондошларимизнинг қарашлари ҳам муҳассам бўлиб, кенг маънавий қатламни ўзда жамлаган.



Байрам кунлари халқ ўйинлари, кўпқари, кураш, аргимчоқ учуш, варрак учуриш каби қадимий анъаналар яна жонланади. Фольклор-этнографик жамоалар, лапар ва ўлан ижрочилари, хунармандлар кўрик-танловлари, аскиячилар беллашувлари байрам кайфиятини янада бойитиши. Маҳаллалар ободончилиги, оилалар фаровонлиги, меҳр-оқибатни тарғиб этувчи турли танловлар эса Наврўз сайилларининг ижтимоий аҳамиятини янада оширади.

Наврўз байрамини сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Қадимдан халқимиз ушбу шодибонага тайёргарлики майса ундириш ва сумалак пиширишдан бошлаган. Аждодларимиз Наврўз оқшомида катта қозонларда сумалак қайнатиб, янги йил баракали ва серҳосил бўлишига умид боғлаган. Сумалак пишириётган даврда онахонлар қадимий қўшиқлар, байт ва ғазаллар куйлаб, байрам файзига янада файз қўшган.

Сумалак билан боғлиқ маросимлар орасида Амударё бўйларида кенг тарқалган “Ашшадарози” маросими алоҳида эътиборли. Мазкур маросим Хоразм халқ театрининг қадимий анъаналарини ўрганиш жараёнида аниқланган. Сумалак пишириётган пайтда узун таёқдан ясалган кўғирчоқ — Ашшадарози саҳнага олиб чиқилган. Унга аёл кўйлаги кийгизилиб, бош қисмига рўмол ўралган, бошига дўппи қўйилган ҳолда келинчак тимсолида безатилган. Ашшадарозини кўтарган аёл даврага қириб келганда айтишув ва қўшиқлар бошланиб, маросим ўзига хос халқ томошасига айланган. Эракча кийинган аёл билан Ашшадарозининг айтишуви, қўшиқлари давра аҳлига қувонч бағишлаган.

Маросимларнинг туб моҳиятида халқнинг қадимий мифологик тасаввурлари, қиш ва ёз кураши, табиатдаги ҳаёт айлиниши ҳақидаги қарашларини илгаш қийин эмас. Масалан, халқимизнинг баҳор фаслига боғланган маросимлари орасида қадимдан яшаб келаётган анъаналардан бири — ҳалинчак учуш

маросимини айтиш мумкин. У баҳорнинг қувончли кайфияти билан уйғунлашган халқ сайилларининг ажралмас қисми саналади. Байрам кунлари, айниқса, Наврўз арафасида ёки сайиллар давомида қиз-жувлардан бир жойга тўпланиб, боғ-роғларга сайрга чиққан. Дарахтлар, айниқса, азим ўрикларнинг мустаҳкам шохларига арқон ташлаб, улардан аргимчоқ — ҳалинчаклар ясаган. Баҳорнинг илиқ шабадаси, атрофни қоплаган гул ҳидлари, қушларнинг сайраши орасида ҳамма навабати билан аргимчоқ учган.

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида яшаган Яхшигул момо Мулла Ниёзберди қизининг эслашича, бу маросимга оддий ўйин сифатида қаралмаган. Халқ орасида шундай эътиқод мавжуд бўлган: ким Наврўз кунлари аргимчоқ учса, йил давомида билиб-билмай қилган гуноҳлари гўё шу учуш билан тўкилиб кетади, инсон руҳий жиҳатдан энгиллик топади. Шу сабабли кекса моллар ҳам ёшлар билан бирга ҳазил-хузул аралаш аргимчоққа чиққан. Улар “Аргимчоқ учсак савоб бўлади, оғирлигимиз ерга тўкилади, қушдек энгил бўламиз”, деб қулишиб, баҳорий шодибонага ўзгача файз бағишлаган. Набиралар эса бу манзарани завқ билан кузатиб, момоларимизнинг ёшига етайлик деган ниятда аргимчоқ илларини туттиб, халинчакни ҳаракатлантириб турган. Шу тариқа бир қарашда оддий ўйиндек кўринган маросим, аслида, авлодлар ўртасида руҳий яқинлиқни мустаҳкамлаган, баҳорнинг қувончли руҳини биргаликда ҳис этишга хизмат қилган.

Наврўз байрами билан боғлиқ маросимлар тизимида алоҳида ўрин тутадиган сайиллардан яна бири — “Қизил гул сайли”. У қадимий аграр эътиқодлар ва ҳосилдорлик ғояларини акс эттирадиган умумхалқ байрамларидан. Баҳор келиб, қизил гуллар очила бошлаган пайтда халқ сайилга чиқиб, табиатнинг яшариши ва ҳосилнинг баракали бўлишини нишонлаган. Сайил ўзига хос қўшиқлар тизимида эга бўлиб, унда халқ қўшиқчилиги санъати, рақс, ўйин фольклори, халқ театри унсурлари, хунармандлик намойишлари, турли урф-одат ва маросимлар муҳассам бўлган. Шу боис, бу сайил нафақат табиат янгиланишини нишонлаш, шу билан бирга, халқнинг бадий диди ва ижодий салоҳиятини намоён этувчи катта маданий ҳодиса ҳамдир.

Шу маънода, фольклорга, хусусан, баҳорий айтимларга ҳам фақат ўтмишдан қолган эсдалик ўлароқ қараш, баҳо бериш нотўғри бўларди. Улар, ҳеч шубҳасиз, бугунги инсон учун зарур бўлган ички таянчлардан биридир. Маросимлар, халқ қўшиқлари одамларнинг ғайришуурий равишда бирлаштиради. Ким ижро этишидан, ким тинловчи эканидан қатъи назар, ҳамма бир хил туйғунни бошдан кечиради. Шу орқали миллат ўзининг теран илдизларига қайтади, ўзини, ўзлигини қайта англайди. Бугун улони унуттишга, эскилик сарқитидек муносабатда бўлишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Зотан, сувни муқаддас билиб улайган бола унга ҳеч қачон қичқиди ташламаганидек, баҳор фаслининг маданий ва маънавий меросидан яхши хабардор инсон ҳам аслида ким эканини асло унутмайди.



080671698

Президентимиз фармони билан, Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз қатори “Шухрат” медални билан тақдирландим. Бу қалбимга чексиз фахр-ифтихор туйғусини олиб кирди. Олдий устознинг меҳнати юксак эътироф этилгани нафақат менинг, балки устозлик мақомидаги барча аёл-қизлар меҳнатига берилган юксак баҳо десам, муболага бўлмайди.

ЭЪТИРОФ МАҚСАД ВА ТАШАББУСЛАРГА ҚАНОТ БЎЛДИ

1985 йилдан буён Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумда ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлаб келаман. Бу — сабр, меҳр ва юксак масъулият талаб қиладиган юмуш. Ногиронлиги бор шахслар билан ишлаш осон эмас, албатта. Машгулотларда ҳар бир ёшнинг дунёқарши, хоҳиш-истаклари, имкониятларини инобатга олиш муҳим. Кейинги йилларда барча ёшлар, хусусан, имконияти чекланганларга касб-хунар ўргатиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайди. Иш тажрибамдан келиб чиқиб, “Ортопедик ва профилактик пойабзал тикиш

ишлари”, “Пойабзал таг қисмини бириктириш усуллари”, “Миллий пойабзал ишлаб чиқариш технологияси” мавзуларида очик дарс ва семинарлар ўтиб келяман. 2021 йили таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонли бўлган болалар учун ортопедик пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳасида иштирок этдим. 2022 йилдан буён “Нурли маскан” мактаб-интернатларида ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаларини ташкил этиш, тажриба-синон лойиҳасига бош-қош бўлиб келяман. Ўқини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш, дуал таълимга асосланган машгулотлар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида пойабзал иши йўналиши

ўқувчиларининг амалиёти “Uzsalaman” АЖ корхонасида ташкил этилган. Бу назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш, ўз касбининг моҳир усталари бўлиб қамолга етиш имконини берапти.

Ҳаётга қувонч, умидбахш нигоҳ-ла қарайдиган ёшлар билан ишлашдан куч-қувват оламан. Уларнинг вақтини беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қиламан. Изланишдан тўхтамайман. Қирқ икки йилдан буён битта устaxonада меҳнат қиламан. Ўқувчиларим

тайёрлаган махсулотларни кўриб, уларнинг ютуқлари ҳақида эшитганимда барча қарчогим унутулади.

“Давлат мукофоти билан тақдирланганимни эшитиб, биринчи бўлиб онамга кўнгирик қилдим. Юксак эътирофдан кўнгли севинча тўлган онам алқаб, дуо қилди.

Гулбаҳорхон МАМАТҚУЛОВА, Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, “Шухрат” медалли соҳиби

